
БМТ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ КРЕДИТ ВА ГРАНТЛАРИ ИШТИРОКИДА ФАРФОНА ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ СОҲАСИНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Вилоятимизга ташриф буюрган БМТ Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси вакиллари бугун вилоят ҳокими ўринбосарлари билан учрашиб, “Қишлоқ хўжалиги соҳасини диверсификация ва модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар ва ушбу йўналишдаги янги таклифлар юзасидан мулоқот қилдилар.

Учрашувда вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Алибек Турсунов ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари — Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Иқболжон Эргашевлар вилоятда лойиҳа доирасида бир қатор ишлар амалга оширилганлигини эътироф этишди.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари учун 2019-2025 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, дехқон ва фермер хўжаликларини қўшилган қиймат яратишнинг замонавий занжирларига самарали интеграциялаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган. Лойиҳанинг умумий қиймати 165,72 млн АҚШ долларини ташкил этиб, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг улуши 25 йилга 5 йиллик имтиёзли давр билан 92,4 млн. доллар кредит маблағлари, шунингдек 1,1 млн. доллар грант маблағларидан иборат.

Ўтган давр мобайнида вилоятда лойиҳа доирасида 9,7 млн. АҚШ доллари қийматидаги жами 80 та суб-loyiҳa молиялаштирилди ва замонавий иссиқхоналар, мева-сабзавот учун музлаткичли омборлар, сутни қайта ишлаш линиялари қуриш, наслли қорамолчилик, паррандачилик, қишлоқ хўжалигига техник ускуналар харид қилиш каби яна бир қатор йўналишларда фойдаланилди. Шунингдек, субвойиҳалар доирасида вилоятимизда давлат карантин лабораторияси, Марғилон шаҳрида ветеринария клиникаси барпо этилмоқда, туманларда 7 та суғориш қудуқлари қазилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармасининг (IFAD) Ўзбекистон бўйича худудий директори Фиди Ражаонсон учрашувда мазкур молиявий институт кўпроқ кичик тадбиркорлик йўналишларига маблағ ажратишни маъқул топишини маълум қилди.

Ўз навбатида вилоят ҳокими ўринбосари Алибек Турсунов чорвачилик, мева-сабзавотчилик ва янги ерларни ўзлаштириш лойиҳаларида жамғарманинг молиявий иштироки борасида таклифларини билдириди.

Меҳмонлар вилоят имкониятларини ўрганиб ва билдирилган таклифлардан келиб чиқиб ўз режа-дастурларини ишлаб чиқишиларини таъкидлашди. Шундан сўнг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси вакиллари Фарғона вилоятида олиб борилаётган ишлар билан танишиш мақсадида худударга йўл олдилар.